

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ**

ТАШМАТОВ РУСТАМ ХУСАНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023 й.

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ташматов Рустам Хусанович

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал механизmlарини такомиллаштириш 3

Ташматов Рустам Хусанович

Совершенствование институциональных механизмов развития сельского хозяйства 37

Tashmatov Rustam Husanovich

Improving the institutional mechanisms for the development of agriculture 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 75

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ**

ТАШМАТОВ РУСТАМ ХУСАНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023 й.

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Iqt138 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Беркинов Бозорбой Беркинович, иқтисод фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ғуломов Саидасроп Саидахмедович, академик, иқтисод фанлари доктори, профессор Рустамова Ирода Бахрамжановна, иқтисод фанлари доктори, профессор Саидахмедова Нодира Илхомовна, иқтисод фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2023 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2023 йил “___” _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

К.А.Чариев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор.

И.О.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д., доцент.

Н.С.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли сонинг кўпайиши ва табиий ресурсларнинг чекланганлиги оқибатида озиқ-овқатга бўлган талабни қондиришга оид муаммолар янада кескин тус олмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ)нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) маълумотларига кўра, “дунёда сўнгги 25 йил давомида аҳоли сони 60 фоизга ошган бўлса, қишлоқ хўжалигига ажратилган ер майдонлари 2 фоизга ўсиб, 1,5 млрд. гектарни ташкил этган, мева-сабзавотлар ва картошкага ажратилган ер майдони 45 фоизга кўпайган”¹. Бу албатта ўсиб бораётган аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини сифатли қондириш мақсадида аграр соҳада мавжуд ресурслардан ва имкониятлардан максимал даражада самарали фойдаланиш, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларининг ўзаро ва давлат билан бўладиган иқтисодий, мулкый, шартномавий муносабатларида институционал механизмларни такомиллаштириш муаммосининг долзарблигини намоён этади.

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр секторни жадал суръатлар билан ривожланишига эришиш, чекланган ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, хусусан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш, айниқса, мавжуд мулкчилик, шартнома, рақобат ва жавобгарлик институтлари фаолиятини иқтисодий жиҳатдан самарали бўлишини таъминлаш ва ҳозирги рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш, янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳаларини кенгайтириш, энергия ва ресурсларни тежаш ҳамда илғор инновацион ва рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек, бу борада мақбул расмий ва норасмий нормаларни шакллантириш каби йўналишларга оид илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида институционал ўзгаришларнинг давоми сифатида кооперация ва кластерлар каби институционал тузилмалар кенг жорий этилиб, улар ўз самарасини кўрсатмоқда. Шунга таянган ҳолда “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да 30-мақсад сифатида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш”² белгилаб берилган. Шунингдек, Президентимиз Ш.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу борада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини

¹ <http://faostat3.fao.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди”³ деб таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида хомашёни чуқур қайта ишлашга ихтисослашган саноатни ташкил этиш ва ривожлантириш, тайёр маҳсулотларни сақлаш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи инфра-тузилма институтлари ўртасидаги мулкӣ, шартномавий, трансакция муносабатлари институционал нормаларини такомиллаштириш, янги хўжалик субъектларини ташкил этиш ҳамда мазкур соҳанинг инновацион фаоллик даражасини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Буларнинг барчаси иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш бўйича илмӣ тадқиқотларни кенг миқёсда олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги 2021 йил 1 апрелдаги ЎРҚ-680-сон Қонуни (янги таҳрири), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2021 йил 26 февралдаги ПФ-5009-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6159-сон “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги, 2020 йил 17 декабрдаги ПФ-794-сон “Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 4 мартдаги 121-сон “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерӣ-ҳуқуқӣ ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқӣ жамиятни маънавий-ахлоқӣ ва маданий-маърифӣ ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабр – <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-29-12-2020>

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг институционал механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Stenford University, Princeton University, Harvard University, University of Chicago, Economic Development Institute of the World Bank, Massachusetts Institute of Technology, Texas A&M University (АҚШ), Cambridge University, The University of Manchester, Oxford University (Буюк Британия), World Intellectual Property Organization, Swiss Federal Institute of Technology Zurich (Швейцария), Wageningen University (Нидерландия), Kjøbenhavns Universitet (Дания), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Munster (Германия), Organisation for Economic Cooperation and Development, Montpellier Business School (Франция), Universidad de Buenos Aires (Аргентина), Korea Development Institute (Жанубий Корея), Organization for Small and Medium Enterprises and Regional Innovation (Япония), Tailors University (Малайзия), Gazi University (Туркия), Asia-Pacific Economic Cooperation (Сингапур), Иқтисодий сиёсат институти, Бутун Россия қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти, Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Тошкент давлат аграр университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш соҳасида дунёда кўплаб илмий натижаларга эришилган, жумладан: институционал механизмларнинг бозор муносабатларига ва иқтисодий воқеликка кўпроқ таъсир кўрсатиши асослаб берилган (Economic Development Institute, World bank, Harvard University, Peterson Institute for International Economics, University of Chicago – АҚШ); институционал механизмларнинг амалга оширилиши институционал таркибига, иқтисодиётнинг трансформациясига таъсир ўтказиши асосланган (University of Maryland – АҚШ); институционал ўзгаришларнинг самарадорлигини оширишда институтларнинг ўрни ва аҳамияти, расмий ва норасмий институтларни инobatга олиш зарурлиги асосланган (Москва давлат университети – Россия); институционал ўзгаришлар, трансакция харажатлари масалалари, мулкчилик ва шартнома институтларини такомиллаштириш каби муаммолар тадқиқот қилинган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти – Ўзбекистон) ва бошқалар.

Ҳозирги даврда дунё миқёсида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам институ-

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳида куйидаги манбалардан фойдаланилган: <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/about/what-we-do>; www.oecd.org; www.imf.org; <https://www.piie.com/>; <https://www.brookings.edu/>; www.fao.org home; <https://www.icarda.org/>; <https://www.fapri.missouri.edu/>; <http://www.global-local-forum.com/pages>; WTO, Unctad https://www.wto.org/_e/coher_e/wto_unctad_e.htm

ционал механизмларни такомиллаштириш йўналишлари бўйича тадқиқотлар изчил олиб борилмоқда: институционал муҳитни такомиллаштириш, норасмий нормалар орқали чекланган рационаллик концепциясини ишлаб чиқиш; институционал ўзгаришлар самарадорлигини оширишда институтларнинг роли, расмий ва норасмий нормаларини, давлат ва хусусий муассасаларни тадқиқ этиш, инсонлар томонидан максимал натижаларга олиб келадиган фаолият турларини ташкил қилиш ва улардан хавф-хатарни бошқаришда фойдаланиш зарурлиги, давлат томонидан нафақат қисқа, балки узоқ муддатли институционал ўзгаришларни амалга ошириш концепцияларини ишлаб чиқиш ва бошқалар шулар жумласига киради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда ва хорижий мамлакатларда иқтисодиёт соҳаларининг институционал асослари, хусусан қишлоқ хўжалигида институционал ислохотларга ҳамда ривожланиш муаммоларига оид кўплаб илмий ва илмий-услубий ишлар бажарилган. Хорижий олимлардан Т.Веблен, Р.Коуз, Д.Норт, О.Уильямсон, Й.Шумпетер, Т.Эггертссон⁵ асарларида институционал назария масалалари ва унинг таркибий унсурлари ёритилган, шу жумладан шартнома, мулкчилик институтлари, трансакция харажатлари, институционал муҳит, нормалар бўйича назарий ва услубий ёндашувлар илмий асосланган. Институционал назария доирасидаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.А.Аузан, А.Н.Олейник, Р.И.Капелюшников, В.М.Полтерович, В.Л.Тамбовцев, А.Е.Шаститко⁶ ва бошқаларнинг сўнгги йиллардаги чоп этилган илмий ишлари институционал тадқиқотларнинг янги йўналишларини белгилаб берди. Мамлакатимиз доирасида турли соҳаларда амалга оширилган институционал ҳамда иқтисодий ислохотлар натижалари, трансакция харажатлари, мулкчилик муносабатлари Б.Б.Беркинов, Н.С.Хушматов, И.Л.Бутиков, Ш.Дж.Эргашхуджаева, Н.Я.Хамрахуджаев, Д.В.Тростянский, Ш.О.Олимжанова, Д.Таджибаева, О.А.Норбоев⁷ ва бошқалар, қишлоқ

⁵T. Veblen. The Theory of Leisure Class, An Economic Study of Institutions, 1899.; Coase, Ronald. The Nature of the Firm // *Economica*, Vol. 4, No. 16, November 1937, pp. 386–405; D.North. Institutions, Institutional Change and Economic Performance, 1990; O. Williamson. The vertical integration of production: market failure consideration, 1971.; J.Schumpeter. Marie Esprit Leon Walras (нем.). — *Zeitschrift für Volkswirtschaft, Sozialpolitik und Verwaltung*, 1910. – Bd. 19. – P. 271 –325; Eggertsson T. A Note on the Economics of Institutions // *Empirical Studies in Institutional Change* / Ed. by L. J. Alston, T. Eggertsson, D. North. Cambridge, 1996.

⁶Аузан А.А. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория. / Учебник - 2-е изд. – М.: "Инфра-М", 2011. – 447 с.; Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 416 с.; Капелюшников Р.И. Экономическая теория прав собственности (методология, основные понятия, круг проблем). – М.: ИЭ АН СССР, 1990. – 90 с.; Полtareвич В.М. На пути к новой теории реформ. / Доклад в ЦЭМИ РАН, 1999. – 26 с.; Тамбовцев В.Л. Введение в экономическую теорию контрактов / Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 144 с.; Шаститко А.Е. Новая институциональная экономическая теория. –М.: ТЕИС, 2002. – 591 с.

⁷Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. / Дарелик., 2019. – 248 б.; Хушматов Н., Дўстмуратов Г. Формы собственности и хозяйствования в агросекторе. // *Экономика и статистика*. – Ташкент, 1997. - № 4. – С. 26-28; Институциональные основы формирования многоукладной экономики. / Монография под общ. ред. И.Л.Бутикова. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – 272 с.; Беркинов Б.Б., Эргашхуджаева Ш. Дж. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-услубий асослари. /

хўжалигини, қишлоқ хўжалиги субъектларини қўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирувчи институтларни ривожлантириш муаммолари С.С.Ғуломов, Қ.А.Чариев, Ў.П.Умурзоков, А.М.Қодиров, Ф.Х.Назарова, О.Муртазаев, Р.Д.Дўсмуратов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.С.Алтиев, Я.Э.Алиев, И.Б.Рустамова, Н.И.Саидахмедова⁸ ва бошқа олимларнинг илмий-назарий ва илмий-амалий ишларида ўз аксини топган. Шу билан бирга, республикамизда қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш юзасидан кўплаб илмий-методологик ишлар ишлаб чиқилган бўлсада, қишлоқ хўжалигига оид институтлар, институционал норма ва механизмларни такомиллаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар чуқур ўрганилмаган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал механизмлари самарадорлиги кўп жиҳатдан мулкчилик, шартнома ва трансакция муносабатларини такомиллаштириш муаммоларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис, республикамизда институционал механизм дастакларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш қувватларини оқилона жойлаштириш, кластерлар тизими субъектларини ривожлантиришнинг институционал муҳитини такомиллаштириш, хўжалик субъектлари ўртасидаги институционал нормаларга аниқлик киритиш (ерга, маҳсулотга, моддий ва номоддий воситаларга бўлган мулк ҳуқуқлари

Монография. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2017. – 236б.; Хамроҳуджаев Н.Я. Ширкат хўжаликлари фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш: и.ф.н. дисс.авт. – Т.: ЎзБИИТИ, 2003. – 24 б.; Тростянский Д.В. Институциональные основы формирования конкурентной среды в национальной экономике: теория, методология и практика. Монография. – Т.: Иктисодиёт, 2010. – 196 с.; Олимжанова Ш.О. Аграр соҳада институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг назарий жиҳатлари: и.ф.н. дисс.авт. – Т.: ТМИ, 2012.; Таджибаева Д. Миллий иктисодиётда институционал ўзгаришлар самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси аграр соҳаси мисолида): и.ф.д. (DSc) дис. авт. – Т.: ТМИ, 2020. – 81 б.; Норбоев О.А. Миллий иктисодиётда мулкчилик муносабатларини амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш: PhD дисс. авт. – Т.: ТДИУ, 2019. – 60 б.

⁸ Ғуломов С.С. ва бошқалар. Дехқончиликни илмий-инновацион таъминлаш масалалари хусусида // *Agroiqtisodiyot*, 2020. – 2 (16) – 3-5 б.; Чориев Қ., Хушматов Н. Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ, 2002. – 32 б.; Умурзаков У.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. – Т.: “Фан”, 2005. – С.211.; Қодиров А. ва бошқалар. Худудларда кластерларни шакллантириш бўйича услубий тавсиялар/ Илмий рисола – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2019. – 100 б.; Назарова Ф.Х. Ўзбекистон аграр соҳа экспорт салоҳиятини ошириш омиллари // *Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги*, 2007. – №10. – Б. 10-12; Муртазаев О. Пахтачилик мажмуаси самарадорлигининг методологик масалалари: и.ф.д. дисс. авт. – Т.: Банк–молия академияси, 2009. – 12 б.; Дусмуратов Р.Д. Внутрихозяйственное регулирование производства и издержек в овощеводстве в условиях становление рынка: и.ф.н. дисс. авт. – Т.: 1994. – 154 с.; Эгамбердиев Ф.Т. Повышение эффективности овощного подкомплекса в новых условиях хозяйствования: и.ф.н. дисс. авт. – Т.: 1990. – 18 б.; Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. – Т.: “Фан”, 2018 – 272 б.; Алиев Я.Э. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) дисс.авт. – Т.: БМА 2018 – 38 б. – Т.: БМА – 2018.; Рустамова И.Б. ва бошқ. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги: Ўқув қўлланма. – Т., 2016 – 290 б.; Саидахмедова Н.И. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва устувор йўналишлари: и.ф.д. (DSc) дисс.авт. – Т.: ТИҚХММИ, 2020. – 81 б.

эгаларини топиш), шартнома институтларини ривожлантириш ва ички хўжалик муносабатларини янада такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этади. Ушбу ҳолатлар мазкур диссертация мавзусини танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда ички захираларни сафарбар қилиш ва имкониятларини аниқлаш бўйича илмий-методик асослари” ОТ-Ф1-022-рақамли фундаментал тадқиқот доирасида бажарилган (2018–2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигини тартибга солувчи институционал механизмларни такомиллаштириш орқали Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“институт” ва “институционал механизм” тушунчаларининг илмий моҳиятини асослаш ва қишлоқ хўжалигида мулкчилик, шартнома ва трансакция муносабатларининг иқтисодий мазмунини очиқ бериш;

қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий-услубий ечим топиш;

хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва ривожлантиришда институционал муҳитнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

худудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш қувватларини оқилона жойлаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ва уни баҳолаш;

мулкчилик, шартнома, трансакция институтларини тадқиқ этиш орқали уларни янада самарали ишлаши учун илмий асосланган таклифларни шакллантириш;

таклиф этилган институционал механизмларни такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалигининг 2030 йилгача ривожланиш кўрсаткичларининг прогноз сценарияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва унинг институтлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий ва институционал муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, мантиқий мушоҳада қилиш, қиёсий ва статистик таҳлил, эмпирик баҳолаш, сўровнома, кўп омилли эконометрик таҳлил, прогнозлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида мулк ва шартнома муносабатларини яхшилаш ва

трансакция харажатларини камайтириш ҳамда бошқа институционал муаммолар мажмуини ечишга қаратилган институционал механизм дастаклари тизимини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал модели ишлаб чиқилган;

институционал бирлик сифатида агрозоналар бўйича асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, табиий-иқлим, иқтисодий ва институционал омиллар уйғунлигини таъминлаш ҳисобига экин майдонларини оқилона жойлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга оид таклифлар илмий асосланган;

мулкдан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш мақсадида жаҳон амалиётида қўлланиб келинаётган мулк ҳуқуқлари спецификациясини фермер хўжаликларининг ерга нисбатан мулк ҳуқуқларини шакллантириш ва тақсимлаш механизмларини такомиллаштиришда қўллаш бўйича таклифлар берилган;

қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасида мулкчилик ва шартнома муносабатларининг амал қилиши ва юзага келадиган трансакция харажатлари таркибини баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тавсиялар тақдим этилган;

мулкчилик ва шартнома институтлари нормаларини такомиллаштириш, трансакция харажатларини камайтиришга қаратилган институционал механизмларни, инновацион технологиялар ва рақамлаштиришни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган асосий прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида янги институтларни жорий этиш ва амалдагиларни такомиллаштириш, қонунчилик базасига қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар берилган;

қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олган ҳолда уни институционал жиҳатдан янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

институционал бирлик сифатида агрозоналарда агросаноат корхоналарини жойлаштириш, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш инфратузилмаларини ташкил этиш ҳамда ер ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида асосий қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш бўйича тавсиялар берилган;

институционал механизмларнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш орқали қишлоқ хўжалигида мулк ҳуқуқлари тақсимоти, шартнома институтининг самарадорлигини ошириш ва трансакция харажатларини камайтириш бўйича илмий асосланган таклифлар берилган;

истиқболда қишлоқ хўжалигини инновацион ва институционал жиҳатдан ривожлантириш йўналишлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотлар базасининг расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фермер,

деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда фермер хўжаликлари маълумотлари манбаларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик ишланмалар қишлоқ хўжалигини институционал жиҳатдан ривожлантириш, хусусан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш, аграр муносабатларни такомиллаштириш, мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялашни юқори даражага кўтариш, шартнома интизомини кучайтириш, хўжалик юритувчи субъектларининг фаолияти давомида юзага келган трансакция харажатларини камайтириш орқали уларнинг даромадини ҳамда қишлоқ хўжалигида инновацион фаолликни ошириш, шунингдек истиқболда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республика қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича дастурий ҳужжатларни, қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, шунингдек, иқтисодиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларида “Институционал иқтисодиёт”, “Минтақавий иқтисодиёт”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Инновацион иқтисодиёт” каби фанлардан ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-назарий ва амалий таклифлар асосида:

қишлоқ хўжалигида мулк ва шартнома муносабатларини яхшилаш ва трансакция харажатларини камайтириш ҳамда бошқа институционал муаммолар мажмуини ечишга қаратилган институционал механизм дастаклари тизимини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал модели Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирликлари тизим ташкилотлари фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 05/033-1-1945-сон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 мартдаги 03/05-749-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалигини институционал ривожлантириш йўналишларни белгилашга эришилган;

институционал бирлик сифатида агрозоналар бўйича асосий қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича ҳосилдорлик, табиий-иқлим ва иқтисодий, институционал омиллар уйғунлигини таъминлаш ҳисобига экин майдонларини оқилona жойлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat

вазирлиги тизим ташкилотлари фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 26 февралдаги 5-1/14-207-сон хати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 01/287-сон маълумотномаси). Натижада асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми 2 фоизга оширилган, қайта ишлаш, сақлаш ҳажми оптималлаштирилган, нобудгарчилик камайтирилган, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги 1,5–2 фоизга оширилган;

мулкдан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш мақсадида жаҳон амалиётида қўлланиб келинаётган мулк ҳуқуқлари спецификациясини фермер хўжаликларининг ерга нисбатан мулк ҳуқуқларини шакллантириш ва тақсимлаш механизмларини такомиллаштиришда қўллаш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг “Ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари” деб номланган 4-бобни такомиллаштиришда жорий этилган (Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 2 июндаги null-06177-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан ер ресурсларидан унумли фойдаланилишига, шартномада иштирок этувчи томонларнинг манфаатдорлигини оширишга эришилган;

қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасида мулкчилик ва шартнома муносабатларининг амал қилиши ва юзага келадиган трансакция харажатлари таркибини баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирликлари тизим ташкилотлари фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 05/033-1-1945-сон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 мартдаги 03/05-749-сон маълумотномаси). Натижада мулк ҳуқуқлар тақсимотини ҳамда шартнома муносабатларини такомиллаштириш, шунингдек, шартнома тузиш ва уни бажариш жараёнида трансакция харажатларини 8 фоизга камайтиришга эришилган;

мулкчилик ва шартнома институтлари нормаларини такомиллаштириш, трансакция харажатларини камайтиришга қаратилган институционал механизмларни, инновацион технологиялар ва рақамлаштиришни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган асосий прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тизим ташкилотлари фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 05/033-1-1945-сон, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 мартдаги 03/05-749-сон ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 02-29/2787-сон маълумотномалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 26 февралдаги 5-1/14-207-сон хати). Натижада яқин ва узоқ истиқбол

йилларида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1,5–3 баробарга, қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг ўртача даромади 1,7–2,1 баробарга ошиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 27 та, жумладан, 16 та республика ва 11 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш, шу жумладан, 3та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 268 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги изоҳланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари тавсифланган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал механизмлари моҳияти ва муаммолари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал механизмлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган, мазкур механизмга оид хорижий тажрибалар ўрганилган ҳамда қишлоқ хўжалигини институционал ривожлантиришнинг муаммолари тизимлаштирилган.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки институционал ривожланиш хусусиятига эга. Институционал ривожланиш марказлашган-режали иқтисодиётдан самарали бозор иқтисодиётига ўтиш ва унга мос келувчи янги аграр муносабатларни муваффақиятли шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир. Шунингдек, янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлашда мазкур субъектлар фаолиятининг таркиби ва чегараларини белгилаб берадиган, уларнинг бошқа субъектлар билан бўлган муносабатларига аниқлик киритадиган институционал нормаларни шакллантириш ва бозор талабларига мувофиқ такомиллаштиришнинг аҳамияти катта.

Адабиётлар шарҳи ва таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирга қадар қишлоқ


хўжалиги субъектларининг самарали фаолиятини таъминлашга институционал ёндашув етарлича ўрганилмаган. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятининг институционал механизмлари уларнинг самарали фаолият кўрсатишида бирламчи аҳамият касб этади ва бозор муносабатлари шароитларига мослашиб боргани сари такомиллаштиришни тақозо қилади.

Институционализм назарияси, айниқса унинг неоинституционал тармоғи бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритиш субъектлари фаолиятининг институционал механизмларини такомиллаштириш муаммосини ҳал этишда назарий манба вазифасини ўтайди. Чунки айнан институционал назария иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини, тадбиркорларнинг асосий иқтисодий қизиқишлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш ва бизнеснинг ташкилий шакллари нуқтаи назаридан тушунтириб беришга ёрдам беради. Масалан, “неоинституционализм” вакиллари ҳисобланмиш Л.Девис, Д.Норт институционал механизмга “иқтисодий бирликлар ўртасидаги муносабатлар бўлиб, унинг натижасида ушбу бирликлар биргаликда ҳаракат қилади ёки рақобатлашади” деб таъриф беради. Кўплаб Россия олимлари эса институционал механизмни норма ва қоидалар билан боғлайди.

Муаллиф чет эл ва МДХ мамлакатлари олимларининг ушбу тушунчаларга берган таърифларини танқидий ўрганиб, расмий ва норасмий нормаларни инобатга олган ҳолда ўзининг таърифини берган. Яъни, “институт – бу жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар тизими. Институтлар асосини унинг таркибий қисмлари ҳисобланган нормалар ташкил этади”. Шундан келиб чиққан ҳолда “институционал механизм” тушунчаси “бу иқтисодий натижага эришиш мақсадида расмий ва норасмий нормаларни бажаришни таъминлаш орқали иқтисодий агент (субъект)ларининг самарали ўзаро алоқаларни тартибга солувчи институционал дастаклар йиғиндисидир”. Булар институционал жиҳатдан таҳлил қилиш учун қуйидаги афзалликларни беради. Биринчидан, норасмий институтларни институционал механизмнинг таркибий қисми сифатида ўрганишни таъминлайди. Норасмий институтларнинг муҳимлиги шундан иборатки, улар ҳал қилувчи тавсифга эга бўлиши ҳамда яққа ва жамоа ҳаракатларини белгилаб бериши мумкин. Иккинчидан, таҳлил қилиш жараёнида фақат норматив ёндашув билан чекланиб қолмасдан институт-ларнинг ўзаро муносабатларини ҳам таҳлил қилиш имконини беради. Учинчидан, институтлар ва трансакция харажатларининг ўзаро алоқаларини таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги субъектларининг ўзаро хўжалик муносабатлари институционал механизмнинг махсус дастаклари сифатида намоён бўлган норма ва қоидаларни қўллаш орқали амалга оширилади. Ушбу норма ва қоидаларни шакллантириш соҳасига қараб, муаллиф томонидан институционал дастаклар тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳозиргача қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал модели яратилмаган. Бизнингча, ушбу модел мамлакат миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда локал миқёсида қишлоқ хўжалиги аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган бўлиши керак (1-расм).



1-расм. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал модели⁹

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётнинг глобаллашув жараёни давом этаётган, мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий алоқалар кенгайиб бораётган ҳамда сотиш бозорига бўлган глобал рақобатнинг кескинлашиб бораётган шароитида тараққиётнинг истиқболли йўналишларидан бири кластер моделининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва мавқеи ўсиб бормоқда. Кластер институти тизимини жорий этиш ғояси ва унинг кенг татбиқ этилиши жаҳон иқтисодиётида кластерлар инқилобига олиб келди. Европа кластерлар обсерваторияси маълумотларга кўра Европа Иттифоқи мамлакатларида жами қарийб 2100 кластерлар мавжуд. Кластерларнинг умумий сонидан 11,5 фоиз айнан агросаноат соҳасида фаолият кўрсатмоқда. 31 та Европа давлатларидан 26 тасида (ёки 84 %) миллий кластер дастурлари мавжуд. Россияда ҳам кластер ёндашуви амалиётда фаол қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида 177 кластерлар мавжуд бўлиб, уларнинг 27 таси агросаноат, 4 таси озиқ-овқат соҳасида ташкил этилган. Кластер институти моделлари, шунингдек, ривожланаётган давлатларда, масалан, Ҳиндистон ва Бразилияда ҳам муваффақиятли қўлланилиб, уларда 400 дан зиёд кластерлар фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга ривожланган давлатлари (Германия, Франция, Буюк Британия ҳамда Италия, Япония, АҚШ) тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, ҳудудий ҳамда ҳудудлараро кластерларни фаол ташкил этиш ва халқаро ўзаро муносабатларни ривожлантириш, бизнес ва академик (университет) муҳити ўртасидаги кооперацияси йўли билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Францияда кластерлар локал саноат гуруҳлари, университет ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида шерикчилик асосида ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, йирик, ўрта ва кичик агробизнеснинг кооперация (хўжалик асосида ўзаро алоқа қилишнинг анъанавий) шаклига нисбатан кластер тузилмаси бир қатор иқтисодий афзалликларга эга: кластер ёндашуви унинг иштирокчилари ресурсларини депрессив (турғунлик ҳолатида бўлган) ҳудуд ва тармоқлари бўйича тақсимламай, балки инновацион “ўсиш нуқталари”га йўналтиради; ушбу “ўсиш нуқталари”нинг муваффақиятли ўсиши натижасида инновацияларни жорий этиш ва кластерларнинг мавжуд шароитларга тезкор мослашиши учун иқтисодий имконият яратилади.

Институционал муҳит ҳар қандай хўжалик юритиш субъектининг, шу жумладан қишлоқ хўжалиги субъектларининг истиқболдаги хатти-ҳаракати ва қабул қилинадиган стратегик тадбиркорлик қарорларини ишлаб чиқиш жараёнига таъсир этиш хусусиятига эга. Бунда хўжалик юритиш самарадорлиги нуқтаи назаридан асосий омиллар сифатида мулкчилик, жавобгарлик, рақобат ва шартнома институтлари катта рол ўйнайди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари қишлоқ хўжалигининг институ-

ционал ривожланиши билан боғлиқ қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди:

биринчидан, қишлоқ хўжалиги субъектлари (масалан, фермер хўжаликлари) мавжуд ресурслардан (ер, сув, инсон, интеллектуал ва бошқалар)дан самарали фойдаланмаяпти. Бу эса қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

иккинчидан, мулк (масалан, ер, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва ҳ.к.)га нисбатан мулкчилик ҳуқуқи тақсимоти такомиллашмаган. Бу эса манфаатлар зиддиятига ва низоларнинг келиб чиқишига олиб келмоқда;

учинчидан, шартнома муносабатлари такомиллашмаган. Шартномалар эскирган андозалар асосида тузилади, шартнома шартлари бажарилмайди, аксарият ҳолатларда томонларнинг тенг ҳуқуқлиги инобатга олинмайди;

тўртинчидан, шартнома тузиш ва уни бажариш жараёнида трансакция харажатлари мавжуд, бу эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари камроқ фойда олиши (ёки зарар кўриши)га ёки маҳсулотнинг реал таннархи ошишига олиб келмоқда;

бешинчидан, қишлоқ хўжалигида инновацион фаолият юритиши учун институционал нормалар такомиллашмаган, бу эса ушбу соҳанинг инновацион фаоллиги паст даражада қолишига сабаб бўлмоқда.

Диссертациянинг **“Худудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш қувватларини ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида худудни иқтисодий тадқиқ этишнинг методологик асослари ўрганилган, қишлоқ хўжалигининг худудий ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти баҳоланган ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган саноат корхоналарини оқилона жойлаштириш услубиёти ишлаб чиқилган.

Маълумки, республикада аграр соҳа иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Мазкур соҳада 3,6 млн. аҳоли банд (иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг 27 фоизи), ялпи ички маҳсулотнинг 32 фоизи айнан аграр соҳа улушига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун мўлжалланган ер майдони, республикада ер фондининг 45 фоизини ташкил этади, қарийб 50 фоиз аҳоли айнан қишлоқ худудларида истиқомат қилади. Аграр соҳада 99,0 фоиз тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз умумий экспорт тушумининг 20–25 фоизи аграр соҳа улушига тўғри келади. Ҳозирги пайтда 180 дан зиёд турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 80 дан ортиқ давлатларга экспорт қилинмоқда. Истиқболда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми янада ортади. Хомашё салоҳиятидан тўла фойдаланиш, саноат корхоналарини оқилона жойлаштириш, ердан самарали фойдаланаётган хўжалик субъектларини кўллаб-қувватлаш орқали институционал механизмнинг самарали ишлашини таъминлаш қишлоқ хўжалигини юксалишига замин яратади.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлиги бевосита саноат корхоналарининг оқилона жойлашувига боғлиқ. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишнинг ҳудудий хусусиятларини, жумладан ишлаб чиқариш салоҳияти ва аҳолининг истеъмол қилиш даражаси каби омилларни ҳисобга олишни тақозо этади. Ана шу омилларни инобатга олган ҳолда муаллиф томонидан ҳудудлар кесимида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш қувватларини оқилона жойлаштириш ва ҳар бир мева-сабзавот маҳсулоти тури бўйича қўшимча ҳажмини аниқлаш услугиёти ишлаб чиқилган.

1. Республикамизда мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича қўшимча ҳажми қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$S_{қ.х.} = V_{и.ч.} - V_{қ.и.} - V_{э.} - V_{м.и.} \quad (1)$$

Бу ерда:

$S_{қ.х.}$ – мева-сабзавот маҳсулотларининг қўшимча ҳажми (миқдори), минг тонна;

$V_{и.ч.}$ – мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми, минг тонна;

$V_{қ.и.}$ – мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми, минг тонна;

$V_{э.}$ – мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми, минг тонна;

$V_{м.и.}$ – аҳолининг меъерий истеъмолга асосланган эҳтиёжи, минг тонна:

$$V_{м.и.} = Na * \overline{Ск.} \quad (2)$$

Бу ерда: Na – аҳоли сони;

$\overline{Ск.}$ – аҳоли жон бошига мева-сабзавот маҳсулотни истеъмол қилиш меъёри, кг/йил.

Бу усул билан ҳар бир маҳсулот тури (мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка) бўйича ортиқча ҳажми аниқланади.

2. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича оқилона ҳажми қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$V_{т.қ.и.} = V_{қ.қ.и.} * K_{қ.и.к.} \quad (3)$$

Бу ерда: $V_{т.қ.и.}$ – тавсия этиладиган қайта ишлаш ҳажми, минг тонна;

$V_{қ.қ.и.}$ – ҳақиқий қайта ишлаш ҳажми, минг тонна;

$K_{қ.и.к.}$ – қайта ишлаш коэффициенти (бу кўрсаткич амалиётда ўртача 0,6 тенг).

3. Қайта ишлаш ҳажмини топгандан кейин омборхоналарнинг сигими қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$V_{т.ом.сиг.} = ((Сум.зах - V_{т.қ.и.}) * Ком.) * 1000 \quad (4)$$

Бу ерда: $V_{т.ом.сиг.}$ – омборхоналарнинг тавсия этиладиган сигими, минг тонна;

1000 – ҳосил бўлган қийматнинг минг тонна ўлчов бирлигида чиққанлиги боис уни тонна ўлчов бирлигига айлантириш учун 1000га кўпайтирилади;

$Ком.$ – мева-сабзавот маҳсулотларини омборхоналарга жойлаштириш коэффициенти. У қуйидаги формула орқали топилади:

$$Ком. = Vm.ом.сиз./ (Vx.ом.сиз. + Vx.муз.сиз.) \quad (5)$$

Бу ерда: $V_{муз.сиз.}$ – музлатгичларнинг сифими, минг тонна;

$$Vm.муз.сиз. = ((Сум.зах- Vm.қ.и.) * Kмуз) * 1000 \quad (6)$$

Бу ерда: $K_{муз.}$ – мева-сабзавот маҳсулотларини музлатгичларга жойлаштириш коэффициенти. У қуйидаги формула орқали топилади:

$$Kмуз. = Vm.муз.сиз./ (Vx.ом.сиз. + Vx.муз.сиз.) \quad (7)$$

4. Худудлардаги омборхона ва музлатгичлар сони қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Nт.ом. = Vт.ом.сиз./ (Vx.ом.сиз./Nx.ом.) \quad (8)$$

Бу ерда: $N_{т.ом.}$ – тавсия этилаётган омборлар сони, бирлик;

$V_{т.ом.сиз.}$ – тавсия этилаётган омборларнинг сифими, минг тонна;

$V_{x.ом.сиз.}$ – омборларнинг ҳақиқий сифими, минг тонна;

$N_{x.ом.}$ – омборларнинг ҳақиқий сони, бирлик.

$$Nт.муз. = Vт.муз.сиз./ (Vx.муз.сиз./Nx.муз.) \quad (9)$$

Бу ерда: $N_{т.муз.}$ – тавсия этилаётган музлатгичлар сони, бирлик;

$V_{т.муз.сиз.}$ – тавсия этилаётган музлатгичларнинг сифими, минг тонна;

$V_{x.муз.сиз.}$ – музлатгичларнинг ҳақиқий сифими, минг тонна;

$N_{x.муз.}$ – музлатгичларнинг ҳақиқий сони, бирлик.

Юқорида келтирилган услубиёт бўйича олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, республикамизда қайта ишлаш учун 2882,6 минг тонна (бу амалдагисидан 3,7 фоиз ёки 102,9 минг тоннага кўпдир) мева-сабзавот маҳсулотлари талаб этилади. Асосий қувват Самарқанд (774,2 минг тонна ёки 26,8%) ва Тошкент (701,8 минг тонна ёки 24,3%) вилоятлари улушига тўғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикамиз худудларида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашнинг самарадорлигини ошириш учун мавжуд қувватлардан имкон даражасида оқилона фойдаланиш зарурияти борлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Маълумки, ердан самарали фойдаланишнинг асосий кўрсаткичи ҳосилдорлик ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич асосида экинларни агрозоалар доирасида жойлаштириш амалиёти ривожланган мамлакатларда (Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция ва Россия) кенг қўлланиб келинмоқда. Бу усулнинг афзаллиги, биринчидан, худудлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини беради; иккинчидан, худудларнинг яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим омил ёки кўрсаткич бўлиб хизмат қилади; учинчидан, худудлар доирасида хомашёни қайта ишлаш ва сақлаш корхоналарини оқилона жойлаштириш учун пухта замин яратилади. Шу боис тадқиқотда мавжуд агрозоалар доирасида экинларни жойлаштириш тавсия этилган (1-жадвал).

Муаллиф ҳисоб-китобларига кўра, амалдаги кўрсаткичларга қўшимча равишда саноат усули билан қайта ишлашга 13,55 минг тонна, уруғлик учун олиб қўйишга 349,5 минг тонна, захирага қўйишга 793,1 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йўналтириш мумкин. Шунингдек, экспортни 1642,6 минг тоннагача ошириш, яъни қўшимча 19,1 минг АҚШ долл.га тенг тушумни олиш имконини беради.

**Оқилона жойлаштиришдан кейин экин майдонларининг ҳолати (минг га),
2020 йил ҳолатига кўра¹⁰**

Худудлар	Дон экинлари		Картошка		Сабзавот		Полиз		Мева		Узум	
	Амал	Тавсия	Амал	Тавсия	Амал	Тавсия	Амал	Тавсия	Амал	Тавсия	Амал	Тавсия
Ўзбекистон Республикаси	1584,9	1689,9	88,5	84,6	215,6	206	53,9	58,8	323,8	279,3	118,8	131,0
Шимолий-ғарбий агрозона												
Қорақалпоғистон Республикаси	102,5	102,5	6,0	6,0	16,1	16,1	12,0	12,0	5,7	5,7	1,1	1,1
Хоразм	76,1	76,1	4,9	4,9	13,6	13,6	5,5	5,5	11,9	11,9	2,8	2,8
Жанубий-шарқий агрозона												
Андижон	87,4	88,4	8,3	8,3	21,6	21,6	1,5	1,5	33,2	31,2	3,8	4,8
Наманган	88,3	87,3	7,0	7,0	12,4	12,4	1,5	3,5	31,4	30,4	7,9	7,9
Фарғона	115,6	115,6	11,4	11,4	24,4	24,4	2,9	1,9	51,1	51,1	6,5	7,5
Жанубий-ғарбий агрозона												
Самарқанд	177,9	174,0	15,1	16,0	32,9	35,9	2,4	2,4	39,9	39,9	39,3	39,3
Бухоро	71,7	73,7	5,4	5,4	18,6	18,6	4,1	4,1	13,6	15,6	10,1	11,1
Навий	44,9	44,9	2,4	2,4	5,1	5,1	1,3	1,3	9,4	7,4	5,7	5,7
Жанубий агрозона												
Қашқадарё	254,6	254,6	6,3	6,3	15,4	15,4	4,9	3,9	19,7	20,7	8,7	8,7
Сурхондарё	113,5	113,5	9,2	9,2	17,2	17,2	3,2	4,2	48,7	47,7	10,7	10,7
Марказий агрозона												
Тошкент	133,9	133,9	8,0	9,0	22,7	21,7	2,0	2,0	33,9	33,9	15,8	15,8
Жиззах	221,1	220,1	2,3	2,3	10,1	10,1	9,5	10,5	17,6	17,6	5,2	5,2
Сирдарё	97,1	98,1	1,9	0,9	5,4	6,4	2,9	1,9	7,3	7,3	1,1	1,1

Изоҳ: сариқ билан белгиланган катаклар экин турлари бўйича майдонлари ҳажми ўзгараётган худудлар ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштиришда ҳосилдорликдан ташқари кўплаб омилларни ҳисобга олиш зарур. Уларни шартли равишда тўртта гуруҳга бўлиш мумкин (2-расм).



2-расм. Худудларда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш омиллари¹¹

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Умуман олганда, хуудлар кесимида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни илмий асосда ривожлантириш ва жойлаштирилишида, табиий-географик шароит (рельеф, иқлим, ёгин миқдори, тупроқнинг унумдорлиги ва бошқалар) сингари, ижтимоий-иқтисодий, яъни демографик (йирик агломерацияларнинг мавжудлиги), ижтимоий-тарихий (деҳқончиликка мойиллиги, миришкорлиги) омиллар ҳисобга олиниши ушбу соҳанинг самарадорлигини кескин оширади.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида мулкчилик, шартнома ва трансакция муносабатларини такомиллаштириш йўллари”** деб номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалигида мулкчилик, шартнома, трансакция институтини ривожлантириш муаммолари тадқиқ қилинган ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Маълумки, мулкчилик муносабатлари ишлаб чиқариш муносабатларининг негизини ташкил этади. Мулкчилик муносабатларининг таркиби мулкчилик институти билан бевосита боғлиқдир. Мулкчилик институти, моҳиятига кўра, ижтимоий институт бўлиб, инсонларга ўз орзу-умидларини шакллантириш имконини беради. Мулкчилик институти мулккий ҳуқуқлардан иборат бўлиб, ушбу ҳуқуқларни билиш инсонларга истиқболда ўзлари муносабатга киришадиган бошқа инсонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда фойда ва харажатларни ҳисоблашга имконият яратади. Бундай ҳуқуқлар мавжуд бўлмаганда эди, инсонлар ўз ҳамкорларининг хатти-ҳаракатларини олдиндан ҳисобга олишлари мумкин бўлмас эди.

Ўзбекистонда мулккий ҳуқуқларни амалга оширишни тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Уларда мулккий ҳуқуқ субъектлари (фуқаролар, юридик шахслар ва давлат), мулккий ҳуқуқ объектлари (ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хомашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк), мулккий ҳуқуқ турлари (эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш, ўзлаштириш ҳуқуқи) ҳамда уни амалга ошириш қоидалари ва ҳимоялаш қафолатлари мажмуи ўз аксини топган.

Қайд этиш жоизки, республикамизда ер ислохотлари тарихий ривожланишга эга бўлиб, ҳозирги кунгача бир нечта босқичларни босиб ўтган. Аммо, ер ҳар доим ҳам давлат мулки ҳисобланган. Яъни давлат ер ҳолатини назорат қилиш, уни ҳисобга олиш ва шу билан боғлиқ бошқа вазифаларни ўз зиммасига олган. Буларнинг барчаси республикамиз миллий бойлиги ҳисобланган ердан самарали фойдаланишга қаратилган. Аммо таҳлиллар¹² шуни кўрсатдики, ҳозирги мулккий ҳуқуқлар тақсимоти ердан унумли фойдаланиш ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, мулккий ҳуқуқлардан тўлароқ фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев “Камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез

¹² Ташматов Р.Х. Фермер хўжалиқларини ривожлантиришнинг институционал асослари ва истиқболи. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 180 б.

натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир... Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу борада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди¹³” деб бежиз айтгани йўқ.

Шу боис юртимизда ердан самарали фойдаланиш ва қоидабузарликларни олдини олиш учун, ердан фойдаланиш ҳуқуқларини тўлиқ ва тўғри тақсимлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, фермер хўжалиқларининг ердан оқилона фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш мақсадида улар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши лозим (2-жадвал).

2-жадвал.

Фермер хўжалигида ерга нисбатан мулкый ҳуқуқлар тақсимоти¹⁴

Мулкый ҳуқуқлар	Фермер хўжалиги
Эгалик қилиш	<ul style="list-style-type: none"> • ерни хўжалик балансига ўтказиш.
Фойдаланиш ҳуқуқи	<ul style="list-style-type: none"> • шахсан ёки ишчиларни ёллаган ҳолда ер участкаларидан фойдали неъматларни олиш ва ундан фойдаланиш даврида турли эҳтиёжларни кондириш ҳуқуқи; • ер участкасидан фойдаланишдан тушган даромадни ўз мулкига ўтказиш ва унинг аксарият қисмини ер эгаси билан келишилган ҳолда ихтиёрий равишда тақсимлаш ҳуқуқи.
Тасарруф этиш ҳуқуқи	<ul style="list-style-type: none"> • ер участкасидан фойдаланиш даврида ер унумдорлигини ошириш тадбирларини олиб борилганлиги эвазига тўлиқ рағбатлантириш шарти билан ер эгасига (давлатга) бериш ҳуқуқи; • ер участкасини бошқа (бир ҳил сифати бўлмаслиги ҳам мумкин) республика ҳудудидаги ер участкасига алмаштириш ҳуқуқи; • ерни мерос қолдириш ҳуқуқи; • шартномалар шартларини бажариш учун ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини гаров эвазига бериш ҳуқуқи; • хавфсизлик ҳуқуқи ёки бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳуқуқи; • ҳуқуқлардан фойдаланишда барча тўсиқларни бартараф этиш ҳуқуқи.
Ўзлаштириш ҳуқуқи	<ul style="list-style-type: none"> • ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқларининг бузилганлиги, шу жумладан шартномаларнинг бажарилмаслиги ёки талаб даражасида бажарилмаслиги, шу жумладан ер эгаси (давлат) томонидан бажарилмаганлиги туфайли ҳуқуқларнинг бузилганлиги оқибатида кўрилган зарарларни қоплаш ҳуқуқи.

Ушбу ҳуқуқларнинг айримлари амалдаги қонунчиликда ўз аксини топган. Бироқ баъзиларини ерни тартибга солувчи қонунчиликда кенгрок ёритиб

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабр – <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-29-12-2020>

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бериш, ҳолатларни аниқлаштириш, ҳуқуқларни ҳимоялаш мақсадида кўшимчалар киритишни тақозо қилади. Ушбу мулкӣ ҳуқуқларнинг тақсимотини амалдаги қонунчиликда акс эттириш мақсадида муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига кўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида асосий субъект ҳисобланган фермер хўжаликлари шартномалар асосида фаолият кўрсатади, яъни турли соҳадаги корхона ва ташкилотлар билан иқтисодий муносабатларни ўрнатади. Амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фермер хўжалиklarининг бошқа қишлоқ хўжалиги субъектлари билан шартномавий муносабатлари талаб даражасида эмас. Бунга тайёрлов корхоналарига ва заводларига хомашё шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб берилмаётганлиги (масалан, Самарқанд вилояти Жомбой тумани фермер хўжаликлари томонидан хомашёни етказиб бериш шартномаси уларга мос равишда ўртача 72,8 фоиз ва 75,9 фоиз бажарилган) ҳамда аграр соҳада хизмат кўрсатиш соҳаси яхши йўлга қўйилмаганлиги (масалан, Самарқанд вилояти Жомбой туманида пахта ҳосили учун фермер хўжалиklarига режага нисбатан 84 фоиз азотли, атиги 28 фоиз фосфорли ўғитлар етказиб берилган) сабаб бўлмоқда¹⁵. Бу охир-оқибат томонларнинг шартнома шартларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаслигини келтириб чиқаради ва катта йўқотишларга олиб келади.

Умуман олганда, шартнома муносабатларига оид бошқа қатор муаммолар ҳам мавжудлиги тадқиқот жараёнида аниқланди. Улар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

аксарият миллий андозадаги шартномаларда ўз вақтида, етарли даражада ва миқдорда маҳсулот сотилмаслиги, қабул қилмаслиги, етказиб берилмаслиги ёки хизмат кўрсатмаслиги (хизматдан фойдаланмаслиги), шунингдек бошқа шартнома шартлари бузилганлиги туфайли айбдор шахс жаримани тўлаш билан чегараланганлиги маълум бўлди;

кўпинча шартномалар бир томонлама, яъни фермер хўжалиklarининг манфаатларини инобатга олмаган ҳолда амалга оширилади;

фермер хўжаликлари ўз фаолияти давомида кўплаб шартномалар тузади ва унга маълум вақт ва харажатлар сарфлайди. Натижада трансакция харажатлари юзага келади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ шартномада буюртма ҳажми ер ресурслари таркибини ҳисобга олмаган ҳолда шакллантирилади;

мамлакатимиз инновацион иқтисодиётга ўтиш билан бир пайтда шартномаларнинг янги шакллари тузиш мақсадга мувофиқ.

Шу боис тузилаётган шартномаларни қайта кўриб чиқиш, томонларнинг маъсулиятини ошириш ҳамда иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан шартномаларни такомиллаштириш талаб этилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, шартнома ва шартнома муносабатларини

¹⁵ Ташматов Р.Х. Фермер хўжалиklarини ривожлантиришнинг институционал асослари ва истиқболи. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 180 б.

такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Хориж мамлакатлари амалиётида шартномалар матнида одатда “жарима тўловларни қўлланилиши томонни олинган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди” деган ибора қўлланилади. Шу нуқтаи назардан шартноманинг ижросини тўлиқ ва самарали таъминлаш, иштирокчиларнинг маъсулиятини ошириш мақсадида ушбу жумлани киритиш ҳамда жарима солиш фоиз ставкаларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2. Қўшимча (трансакция) харажатларни камайтириш мақсадида назаримизда, ихтисослиги ва йўналиши бўйича туташ бўлган (етказиб бериш ва таъминот бўйича) шартномаларни уч томонлама ёки ундан ортиқ томонлар иштирокида тузиш, ва ушбу шартномаларда ҳар бир томоннинг мажбурият ва ҳуқуқларини аниқ батафсил ёритиш керак. Уларнинг учрашадиган жойи эса туманларда фаолият кўрсатувчи Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари бўлиши мумкин.

3. Шунингдек, шартномада фермер хўжаликарига ижарага бериладиган ер майдонининг балл бонитети ҳам кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш имконини беради.

4. Республикамизда “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”¹⁶ ва “Электрон рақамли имзо тўғрисида”¹⁷ ги қонунлар қабул қилинган. Шунининг ортидан, фермер хўжаликлари билан уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ва бошқа субъектлар ўртасида электрон шаклдаги шартномаларни тузиш мақсадга мувофиқ.

5. Ташқи омиллар таъсирида, яъни форс-мажор ҳолатларида ҳосилнинг бутунлай ёки қисман нобуд бўлиши оқибатида харажатларни қоплаш мақсадида агросуғурталарни ривожлантириш ёки ушбу маҳсулотларни сотиб оладиган субъект (давлат, агрокластер ёки турли хил бирлашмалар) ушбу харажатларни қоплаб бериши ёки дотация ажратишни йўлга қўйиш ва бу ҳолатларни шартномада алоҳида кўрсатиб бериш лозим.

Маълумки, ҳар бир келишув амалга оширилганда, яъни мулкӣ ҳуқуқлар алмашганда қўшимча харажатлар – трансакция харажатлари вужудга келади. Шу жумладан фермер хўжалиги фаолиятида ҳам, айниқса улар турли инфратузилмалар билан алоқа қилганда ушбу турдаги харажатлар пайдо бўлади. Ушбу трансакция харажатларини аниқлаш учун муаллиф томонидан фермер хўжаликлари ўртасида сўровнома ўтказилди. Сўралган аксарият фермер хўжалиги бошлиқлари қўшимча харажатлар, айниқса инфратузилма объектлари билан бўлган иқтисодий муносабатларда вужудга келаётганлигини таъкидлаган. Хусусан муаллиф Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги фермер хўжалиги бошлиқлари ўртасида инфратузилма муассасалари билан муносабатда бўлиш чоғида юзага келадиган ортиқча харажатларни аниқлаш

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 611-П-сонли қонуни.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги 562-П-сонли қонуни.

мақсадида сўровнома ўтказди. Сўровнома натижаларига кўра, туман фермер хўжаликлари 3712,0 минг сўм трансакция харажатларини сарф қилган, яъни ушбу турдаги харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши 2,5 фоизни ташкил этилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари фермер хўжаликлари йирик агрофирма билан шартнома асосида қайта ишлаш учун мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беради. Лекин ушбу маҳсулотларни ташиш жараёнида маълум бир қисми (5–7 %) нобуд бўлади. Агар бу кўрсаткични пул билан ифодаласак, бой берилган фойда битта фермерга ўртача 42-58 минг сўмга тўғри келади. Қолаверса, ушбу маҳсулотлар тез бузулувчан бўлганлиги боис вақт ўтиши билан уларнинг сифати ҳам бузилади. Ҳудди шу ҳолат чорва молларини ташиш пайтида ҳам учрайди, уларнинг вазни бир неча фоизга йўқолади ҳамда жисмоний ҳолати ёмонлашади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фермер хўжаликлари ўз фаолияти давомида бир қанча йўқотишлар (трансакция харажатлар)га дуч келади. Ушбу турдаги харажатлар бир қарашда унча сезиларли бўлмаса ҳам, уларни ҳаммасини ҳисобга оладиган бўлсак, салмоқли кўрсаткични ташкил этади. Масалан, сўровнома олиб борилган фермер хўжаликлари томонидан ўртача сарфланган қўшимча харажатлар миқдори 216,3 млн. сўмни ташкил этган. Агар барча турдаги трансакция харажатларининг фермер хўжалиги томонидан сарф қилинган умумий харажатлардаги улушини 10 фоизга тенг деб олсак, битта фермер хўжалиги ҳисобига 21,6 млн. сўм, туман миқёсида эса 14083,2 млн. сўм қўшимча, яъни трансакция харажатлар келиб чиқиши аниқланди¹⁸.

Таъкидлаш жоизки, трансакция харажатларини камайтиришнинг институционал механизмларидан бири қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятини кооперация асосида ташкил этиш ҳисобланади. Республикамизда фермерлар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда ўзаро кооперация (ҳамкорлик) механизмларини такомиллаштириш вазифаси қўйилган¹⁹. Ана шу самарали кооперация механизмларидан бири агрокластерлар ҳисобланади. Шу боис юқорида айтиб ўтилган ҳолатни бартараф этиш учун ҳудудларда айнан ихтисослаштирилган агрокластерларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, жойларда ташкил этилган агрокластерларнинг тузилмаси вертикал тарзда ва тарқоқ ҳолда тузилган. Мазкур тадқиқотда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кооперация тамойилига асосланган агрокластернинг намунавий ҳудудий ташкилий тузилмаси

¹⁸ Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг институционал асослари ва истиқболи. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 180 б.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармонида илова.

ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кооперация тамойилига асосланган ҳудудий агрокластернинг намунавий ташкилий тузилмаси²⁰

Қишлоқ жойларида юқорида номи келтирилган кооперация асосида агрокластерларни ташкил этиш, саноатлашган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, истеъмол бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга замин яратади.

Диссертациянинг “**Институционал механизмларни такомиллаштириш асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболларини аниқлаш ва баҳолаш**” деб номланган тўртинчи бобида истиқболда инновацион фаолликнинг ошиши унинг қишлоқ хўжалиги юксалишига бўлган таъсири баҳоланган ҳамда институционал ўзгаришлар асосида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш прогнози келтирилган.

²⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Маълумки, мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича кенг миқёсли ислохотлар амалга оширилмоқда. Лекин шу билан бирга аграр соҳада илмий-техник ишланмаларни яратиш даражаси, хусусий ва давлат инвестицияларининг пастлиги, инновацион тузилмаларни ташкил этиш, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш даражаси пастлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш суръатлари ва самарадорлигини оширишга монелик қилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги тармоқларида инновацион товар, иш ва хизматларни яратишга йўналтирилган маблағлар атиги 0,01 фоизни ташкил этади²¹. Агар ўрмон ва балиқчиликни ҳисобга олмайдиган бўлсак, бу кўрсаткич янада кам бўлади. Бунда асосий муаммо маблағларнинг шу мақсадга йўналтирилмаганлиги ва янги инновацион маҳсулотларга бўлган эҳтиёж пастлиги ҳисобланади. Бу ҳолат, қишлоқ хўжалигида инновацияларни яратишга бўлган интилиш иштиёқи сустлигини кўрсатиб турибди. Шу боис қишлоқ хўжалиги субъектлари орасида инновацияларнинг афзаллик томонларини тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Шуни инобатга олиб, муаллиф мазкур тадқиқот доирасида инновациянинг қишлоқ хўжалиги фаолиятига таъсирини баҳолашга асосий эътиборини қаратди. Бунинг учун даставвал қишлоқ хўжалигида инновацион фаолликка ва унинг натижавий кўрсаткичларига таъсир этувчи муҳим омиллар танлаб олинди ва улар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинди. Инновацион фаоллик кўрсаткичлари сифатида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми, қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотларга сарфланган харажатлар ва инновацион товарларни ишлаб чиқариш ҳажми олинди. Юқорида қайд этилган кўрсаткичларнинг кўп омилли корреляцион боғлиқлиги аниқланди.

Натижалар шуни кўрсатдики, республикаимиз қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятга сарфланган харажатларнинг 1 фоизга ошиши маҳсулот ҳажмининг ўртача 1,14 фоизга ошишига олиб келади. Инновацион товарларни ишлаб чиқариш ҳажмининг 1 фоизга ошиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 2,0 фоизга ошишига олиб келади. Умуман олганда, шундай боғлиқлик мавжудки, қишлоқ хўжалигида инновацион маҳсулотларга сарфланган харажатларнинг 1 фоизга ошиши, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 2,3 фоизга ошишига олиб келади. Тадқиқотда қўйилган гипотеза ўз исботини топган, аниқроғи қишлоқ хўжалигида инновацион фаолликнинг ошиши ва ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ошиши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

мавжудлиги исботланган.

Қабул қилинган тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда²² қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион фаолият йўналишларини ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланган. Шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигида инновацион ривожланишни жадаллаштириш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш мақсадида инновацион технологияларни ўзида мужассам этган “ақлли фермер хўжаликлари” институтини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, республикамизда қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сонли резолюциясига мувофиқ ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги 17 та Миллий мақсад ва вазифалар ҳамда уларни амалга оширишга оид “Йўл харитаси” тасдиқланган²³. Бу эса юқорида келтирилган кўрсаткичлар учун прогноз даврини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотда қишлоқ хўжалигида институционал ўзгаришлар йўналишлари асосланган бўлиб, уни инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, республика бўйича қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони ҳамда қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир ишчига тўғри келадиган даромад прогноз қилинган. Ушбу прогнозлар 3-вариант (I-вариант – пессимистик; II-вариант – реалистик; III-вариант – оптимистик сценариялари)да амалга оширилган. Бунинг учун алоҳида моделлар тузилиб, улардан энг мақбуллари танлаб олинган. Кўриниб турибдики, барча танлаб олинган моделларда детерминация коэффициенти юқори, бу эса истиқболда ушбу кўрсаткичларни прогноз қилишга имкон беради (3-жадвал).


²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон, 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сон, 2019 йил 23 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5853-сон, 2021 йил 4 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сон Фармонлари.

²³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарори.

Қишлоқ хўжалигида институционал механизмларни жорий этиш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини прогноз қилиш учун танлаб олинган моделлар²⁴

	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, млрд.сўм			Қишлоқ хўжалигида бандлар сони, минг киши			Қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир кишига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм		
	I-вар.	II-вар.	III-вар.	I-вар.	II-вар.	III-вар.	I-вар.	II-вар.	III-вар.
Тренд тенгламалари	$y = 61781 \ln(x) + 18776$	$y = 21721x + 21700$	$y = 1692x^2 + 2949,9x + 41884$	$y = 3191,6x^{0,0655}$	$y = 224,7 \ln(x) + 3187$	$y = 61,321x + 3208,9$	$y = 2658,6 \ln(x) + 7576,6$	$y = 7652,8x^{0,2837}$	$y = 1582,7x + 5999$
Детерминант коэффициентлари	$R^2 = 0,7525$	$R^2 = 0,9331$	$R^2 = 0,9954$	$R^2 = 0,8525$	$R^2 = 0,8473$	$R^2 = 0,7653$	$R^2 = 0,7651$	$R^2 = 0,7877$	$R^2 = 0,8786$

Муаллифнинг ҳисоб-китобларига кўра, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 2030 йилга келиб: I-вариант бўйича 271025,6 млрд.сўм, яъни базис (2021) йилга нисбатан 1,2 мартага ошиши; II-вариант бўйича 332198,6 млрд.сўм, яъни 1,5 мартага ошиши; III-вариант бўйича - 404105 млрд.сўм, яъни 1,8 мартага ошиши кутилади (4(а)-расм).




4(а)-расм. Республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми прогнози, млрд.сўм²⁵

²⁴ Муаллиф томонидан MS Excel компьютер дастури асосида ишлаб чиқилган.

²⁵ Муаллиф ҳисоб-китоблари.


Республикада қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислохотлар, шу жумладан институционал механизмларни такомиллаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида бандлар сони ҳам кўпаяди. Жумладан, 2030 йилда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони I-вариант бўйича 3778,7 минг киши, яъни 2021 йилга нисбатан 235,4 минг кишига, II-вариант бўйича 3792,7 минг киши, яъни базис йилга нисбатан деярли 249,4 минг кишига ва III-вариант бўйича 4089,5 минг киши, яъни базис йилга нисбатан деярли 546,2 минг кишига кўпайиши мумкин. Бу республикада ташкил этилаётган турли хил кооперация тамойилига асосланган тузилмалар, шу жумладан агрокластерларни ташкил этиш, қишлоқда янги инновацион ечимлар ва технологияларни жорий этилиши эвазига янги инновацион маҳсулотга хизмат кўрсатиш, уни юрғизиш ва ишчи ҳолатини таъминлаш учун турли хил янги хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар барпо этиш эвазига рўй бериши мумкин (4(б)-расм).



4(б)–расм. Республика бўйича қишлоқ хўжалигида бандлар сони, минг киши²⁶

Ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг яна бир кўрсаткичи бу аҳолининг фаровонлигини ошириш, яъни банд бўлганларнинг даромадини ошириш ҳисобланади. Ҳисоб-китобларимизга кўра, қишлоқ хўжалигида ўртача битта банд кишига тўғри келадиган даромад 2030 йилда I-вариант бўйича 14776,2 минг сўм, II-вариант бўйича – 16499,8 минг сўм, III-вариант бўйича – 29739,5 минг сўмга ошиши кутилади. Бу юқорида келтирилиган прогнозларимизга кўра, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва янги иш ўринларининг ўсиши билан бевосита боғлиқ (4(в)-расм).

²⁶ Муаллиф ҳисоб-китоблари.



4(в)–расм. Қишлоқ хўжалигида ўртача битта банд кишига тўғри келадиган даромад, минг сўм²⁷

Мазкур прогнозларга кўра, 2030 йилга келиб ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 271025,6–404105,0 млрд.сўмгача, қишлоқ хўжалигида бандлар сони 3778,7–4089,5 минг кишигача, қишлоқ хўжалигида банд бўлган битта кишига тўғри келадиган даромад ҳажми 14776,2–29739,5 минг сўмгача ошиши кутилади. Шу боис вилоятларда янги турдаги институтлар, шу жумладан агрокластер ва кооперация асосида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда инновацион технологияларни жадал ривожлантириш мақсадида “ақлли фермер хўжалиги” институтини кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун тегишли ҳукумат қарорлари, жумладан “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”ни ҳамда амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштириш лозим бўлади.

ХУЛОСА

1. Хорижда иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим илмий йўналиши бўлган институционал механизмни ўрганишга оид илмий тадқиқотлар узоқ йиллар давомида олиб борилган. Айниқса назарий ҳамда амалий аҳамиятга молик услубий ёндашувлар диққатга сазовордир. Аммо республикамизда мазкур йўналиш нисбатан янги бўлиб, шаклланиш ва ривожланиш босқичида турганлигини қайд этиш лозим. Шу боис иқтисодий тармоқларига, хусусан аграр соҳага оид илмий ишларни олиб боришга кўпроқ олимлар эътиборини жалб этиш мақсадга мувофиқ.

2. Интеграция ва кооперация республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади. Айниқса ҳудудларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда унинг ўрни ва аҳамияти катта. Айнан

²⁷ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

интеграция ва кооперация туфайли худудларда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин. Хусусан саноатлашган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янги хўжалик субъектларини ва тадбиркорлик фаолиятларини шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, ресурслар салоҳиятидан тўла ва оқилона фойдаланиш, фаолияти инновацияга йўналтирилган тармоқларнинг устуворлигини таъминлаш ва бошқалар. Шунингдек фермер, деҳқон хўжаликларни ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва баҳолаш, истиқболда хўжалик юритишнинг мақсадга мувофиқ шаклларини ташкил этиш ва ривожлантириш, хўжалик субъектларининг инновацион фаоллигини ошириш ҳам давр талаби бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини ва унинг худудий бирликларини ривожлантиришнинг институционал муоммоларини ўрганиш ва соҳанинг институционал механизмини такомиллаштириш йўналишида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш давр талаби эканлигини қайд этиш жоиз.

3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал асосларини расмий ва норасмий меъёрлар ташкил этади. Соҳа фаолиятига оид барча муносабатлар ушбу меъёрлар доирасида, хусусан институционал механизмнинг дастаклари (ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқалар) ёрдамида тартибга солинади ва назорат қилиб борилади. Умуман олганда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг институционал асослари ва институционал механизмлари қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид муносабатларнинг мақсадга мувофиқлигини назорат қилади ва тартибга солиб туради. Мақсад – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир.

4. Биз олиб борган тадқиқотга оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида истиқболли йўналишларни аниқлаш бўйича қуйидаги хулосалар ва таклифларни ишлаб чиқдик.

1) ерга бўлган мулкчилик шаклидан қатъий назар барча мамлакатларда ердан мақсадли фойдаланиш давлат томонидан назорат қилиб борилади;

2) ердан самарали фойдаланган хўжалик субъектларини давлат қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради;

3) Францияда агроменежерлар деб ном олган корхоналарнинг эришган ютуқларини (моллиявий барқарорлиги, экспорт салоҳияти, инновацион фаоллиги) ўрганиш маъсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш, ҳамкорлар билан узоқ муддатга мўлжалланган шартномаларни тузиш, бозор талабини ўрганиш ва унга мослашиш, фаолияти инновацияга йўналтирилган тармоқларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш туфайли корхоналарнинг барқарор ривожланиши таъминланган. Эътиборли жиҳати шундаки корхоналар фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган ички бозор талабини қондириш билан бирга йил сайин экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмини ва турини кўпайтиришга қаратилган.

4) Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатларда кластер ёндашуви қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналиши ва тараққиётнинг таянч нуқтаси эканлиги амалда исботланган.

5. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарар юксалиши бевосита ихтисослашган агросаноат корхоналарини оқилона жойлаштиришга боғлиқ. Тадқиқот натижаларига кўра корхоналарни оқилона жойлаштиришда ва унинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини баҳолашда куйидагиларни ҳисобга олиш зарур: 1) корхонанинг ихтисослашув даражаси (корхона ишлаб чиқарган маҳсулотнинг камида ярми қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлиши шарт). Корхонада тармоқлар сони қанча кам бўлса, ихтисослашув даражаси ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи шунча юқори бўлади; 2) хомашё билан таъминланганлиги (корхонанинг йил давомида узлуксиз фаолият юритиш имконияти) ва хомашё манбаининг корхонага яқинлиги; 3) озиқ-овқат саноатининг ривожланганлиги; 4) корхона маҳсулотига бўлган бозор талаби; 5) хомашё ва тайёр маҳсулотларни ташишда турли транспортлардан фойдаланиш имконияти; 6) аҳолининг бандлиги ва меҳнат шароитларининг яратилганлиги; 7) корхонанинг инновацияга мойилиги (агрокластер, кооператив, бирлашмалар). Шунингдек республикамизда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш зарурлигини инобатга олиб, худудларда мазкур маҳсулот турларига бўлган аҳоли эҳтиёжи, экспорт, қайта ишлаш, уруғлик, захирага мўлжалланган ҳажмини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқдик. Ушбу услубий ёндашув аҳолини йил давомида узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, худудларнинг экспорт салоҳиятини шакллантириш, хомашёни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар қувватидан тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

6. Ҳосилдорлик ердан самарали фойдаланашнинг асосий кўрсаткичидир. Шу боис биз ушбу кўрсаткич бўйича худудлар кесимида экин майдонларининг жойлашувини (ҳозирги ҳолатини) таҳлил қилдик ва худудларни агрозоналарга бўлган ҳолда республикамиз худудларида ҳосилдорлик кўрсаткичига қараб экинларни оқилона жойлаштириш бўйича тадқиқот ишларини олиб бордик. Натижавий кўрсаткичларга кўра республикамиз бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини 133,2 минг тоннага ошириш мумкин. Бу экспортга 16,1 минг тонна, қайта ишлаш корхоналарига 23,5 минг тонна, захира фондига 7,9 тонна, уруғлик учун 3,5 минг тонна қўшимча маҳсулотларни йўналтириш имконини беради. Шунингдек йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг мавсумий тебранишини камайтиради, агросаноат корхоналарнинг ривожланишини таъминлайди, экспорт ҳажмининг ўсиши ва валюта тушумининг кўпайиши учун қўшимча имконият яратилади.

7. Мулкий муносабатларни такомиллаштириш аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим институционал йўналиши бўлиб, унинг асосини мулк ҳуқуқлар ташкил этади. Мулкдан самарали фойдаланиш мулк ҳуқуқларининг тақсимотида боғлиқ. Хорижий давлатларда ўн битта мулк ҳуқуқлар мавжуд бўлиб, улардан амалиётда кенг фойдаланилади. Ушбу тарғибани амалиётда қўллаш мақсадида фермер хўжалиқларининг ерга, етиштирган маҳсулотга, лизинг оркали олинган техникага бўлган мулк ҳуқуқлари тақсимотини амалиётда қўллаш мулк ҳуқуқларни такомиллаштириш имконини беради. Биринчидан, барча мулк иштирокчилари (давлат, фермер хўжалиги, тайерлов

ташкilotлари, лизинг компанияси, банк ва бошқалар) ўзларига тегишли бўлган мулк ҳуқуқларини билиш имконига эга бўлади. Иккинчидан, ҳар бир мулк иштирокчиси ўзига тегишли мулк ҳуқуқларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади, пировард натижада мулкдан самарали фойдаланиш учун шароит яратилади. Учинчидан, мулкдан фойдаланиш жараёнида келиб чиқадиган низоларни бартараф этиш мумкин бўлади.

8. Институционал механизмнинг муҳим таркибий қисмини шартномавий муносабатлар ташкил этади. Фермер хўжаликларининг тайёрлов ташкilotлари ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро муносабатлари тузилган шартномалар орқали амалга оширилади. Амалдаги шартномаларни ўрганиш, таҳлил қилиш қатор камчилик ва муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан шартнома шартларининг бажармаслиги, эски андозаларга асосланганлиги, томонлар мавжбуриятларини тўла ҳисобга олинмаслиги, шартнома шартларининг тўлиқ бажарилмаслиги оқибатида кўрилган зарарни туламаслиги ва бошқалар. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш зарур ва уни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ: 1) шартномаларни халқаро андозалар асосида тузиш ҳамда хорижий тажрибларини ўрганиш ва ҳамкорлар билан узоқ муддатга мўлжалланган шартномавий муносабатларни ўрнатиш; 2) шартномаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш; 3) шартнома шартларининг бажармаслиги оқибатида кўрилган зарарни қоплашга оид меъёрий кўрсаткичларни қайта кўриб чиқиш ва давр талабларига мослаштириш; 4) тупроқ унумдорлигининг пасайишига йўл қўймаслик мақсадида фермер хўжаликлари фойдаланаётган ер майдонларининг бонитет баллини аниқлаш, қайта кўриб чиқиш ва назорат қилиш.

9. Қишлоқ хўжалигида трансакция харажатларининг мавжудлиги дастлаб тармоққа тегишли хос хусусиятлар (ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги ва давомийлиги, аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар доирасида тарқоқ жойлашганлиги ва бошқалар) билан боғлиқ бўлиб, харажатларнинг тури, шакли ва таркибий қисмларини аниқлашда муҳим ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликлари фаолиятига оид трансакция харажатларининг таснифи ишлаб чиқилган. Унга кўра харажатлар қуйидаги турлар бўйича шаклланади: 1. Ички трансакция харажатлари (сотиш билан боғлиқ); 2. Ташқи трансакция харажатлари (қайта ишловчи ва таъминот корхоналари хизматидан фойдаланиш билан боғлиқ); 3. Бой берилган тушум шаклидаги трансакция харажатлари (маҳсулотни сотиш жараёнида нархи, сифати билан боғлиқ). Таклиф этилган усул трансакция харажатларини аниқлаш, таҳлил қилиш, режалаштириш ва бошқариш имконини беради. Шу билан бирга мазкур харажат турларини камайтириш йўналишларини аниқлашга замин яратади.

Рақобат муҳитини (айниқса монопол тайёрлов ташкilotлари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан) яратиш мақсадида турли хўжалик субъектларини бирлаштирувчи кооперацияларни ташкил этиш зарур. Бу тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга трансакция харажатларини сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

10. Кооперацияни ривожлантиришни тартибга соладиган амалдаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш зарур:

Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалиги кооперацияси тўғрисида”ги алоҳида қонунни ишлаб чиқиш ва унда қишлоқ хўжалиги кооперация шакллари, шу жумладан кластерларни ташкил этиш тартиб-қоидалари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари, имтиёз ва мажбуриятларни ёритиш;

агрокластерларнинг ҳуқуқий ва қонуний мақомини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Кластерлар ва кластер фаолияти тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда агрокластерларнинг ташкил этиш вазифалари, мақсади, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, аъзоларнинг ҳуқуқлари ва шунга ўхшаш масалаларни аниқ ёритиш лозим.

11. Қишлоқ хўжалиги соҳасини инновацион ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

ҳудудда инновация тадбирларини амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалигининг турли манбаларидан ҳосил бўлган катта ҳажмдаги ахборотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишни таъминлаш мақсадида жойларда “Қишлоқ хўжалиги” рақамли платформасини яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташишда замонавий технологиялардан, шу жумладан мембранали, геоахборот гидропоник технологиялардан, ернинг мелиоратив ва тупроқ таркибини текширишда лазерли режалаштириш усуллари ва бошқа smart-технологиялардан кенг фойдаланиш;

ҳудудларда ушбу инновацион технологияларни ўзида мужассам этган “ақлли фермер хўжаликлари” институтини жорий этиш ва унинг фаолият кўрсатиши учун институционал асосларини яратиш лозим.

12. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қишлоқ жойларида аҳоли сони кўпайиши, ер ресурсларнинг сифати пасайиши, шунингдек, ишсизлар сони ортиб бориши қишлоқ хўжалигини институционал жиҳатдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Тадқиқотда институционал ўзгаришлардан келиб чиқиб, республикамизда қишлоқ хўжалиги ривожланиши прогнози берилган. Мазкур прогнозларга кўра, 2030 йилга келиб ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 278653,0-446417,0 млрд.сўмгача, қишлоқ хўжалигида бандлар сони 3799,4-4181,8 минг кишигача, битта банд кишига тўғри келадиган даромад ҳажми 15109,02-32904,9 минг сўмгача ошиши кутилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ
ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ЦЕНТР «НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ И
ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА» ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШМАТОВ РУСТАМ ХУСАНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ МЕХАНИЗМОВ
РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

08.00.04 – Экономика сельского хозяйства

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)

Ташкент – 2023 г.

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией под №B2021.4.DSc/Iqt138.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском центре «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.tiame.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Беркинов Бозорбой Беркинович,**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гулямов Саидасрор Саидахмедович,**
академик, доктор экономических наук, профессор

Рустамова Ирода Бахрамжановна,
доктор экономических наук, профессор

Саидахмедова Нодира Илхомовна,
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация: **Международный центр стратегического развития и исследований в сфере продовольствия и сельского хозяйства при Министерстве сельского хозяйства**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 года в ___ на заседании научного совета DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 по присуждению ученой степени при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства». (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства». (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023 года.
(протокол реестра № ___ от «___» _____ 2023 года).

К.А.Чариев,
Председатель научного совета по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, профессор

И.О.Юнусов,
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученой степени, д.ф.э.н., доцент

Н.С.Хушматов,
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В результате увеличения численности населения в мире и нехватка природных ресурсов проблемы, связанные с удовлетворением спроса на продовольствие, становятся все более острыми. По данным Продовольственной и сельскохозяйственной организации Объединенных Наций (ФАО), «за последние 25 лет мировое население увеличилось на 60%, площадь земель, отведенных под сельское хозяйство, выросла на 2% и составила 1,5 млрд. гектаров, земельная площадь, отведенная под выращивание фруктов, овощей и картофеля, увеличилась на 45 процентов¹». Это, безусловно, показывает актуальность проблемы максимально эффективного использования имеющихся ресурсов и возможностей в аграрном секторе с целью качественного удовлетворения постоянно растущих потребностей населения на сельскохозяйственную продукцию, в том числе совершенствования институциональных механизмов в экономических, имущественных, договорных отношениях между хозяйствующими субъектами, действующих в сельском хозяйстве, и государством.

В мире проведение исследования научно-теоретических проблем, связанных с такими направлениями, как обеспечение продовольственной безопасности, совершенствование институциональных механизмов развития сельскохозяйственного сектора в условиях увеличения численности населения и ограниченных ресурсов, в частности, обеспечение экономически эффективной деятельности существующих институтов собственности, договора, конкуренции и ответственности, и адаптация к требованиям современной цифровой экономики, расширение сфер по производству, хранению, переработке и реализации сельскохозяйственной продукции за счет создания новых хозяйствующих субъектов, внедрение энерго- и ресурсосберегающих, а также инновационных и цифровых технологий, формирование оптимальных формальных и неформальных норм в этих сферах, имеет важное значение.

В нашей стране в качестве продолжения институциональных преобразований в сельском хозяйстве в последние годы широко внедряются такие институциональные структуры, как кооперация и кластеры, которые демонстрируют свою эффективность. Исходя из этого, в «Стратегии развития Нового Узбекистана» в качестве цели 30 отмечено: «Увеличение доходов дехкан и фермеров как минимум в два раза с обеспечением ежегодного роста объемов сельского хозяйства не менее чем на 5 процентов за счет интенсивного развития сельского хозяйства и применения передовых достижений науки²». Также Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев в своем Послании Олий Мажлису отметил: «В первую очередь необходимо повысить заинтересованность фермеров и дехкан в возделывании земли. Там, где есть заинтересованность и справедливость, обязательно будут изменения и рост. В этом контексте настало время рассмотреть вопрос о гарантировании прав землепользования и

¹<http://faostat3.fao.org>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

превращении их в рыночный актив»³. В связи с этим, требуется уделение отдельного внимания организации и развитию промышленности, специализирующей на глубокой переработке сырья в сельском хозяйстве, полному использованию мощностей по хранению готовой продукции, совершенствованию институциональных норм имущественных, договорных и транзакционных отношений между сельскохозяйственными и институтами обслуживающих их инфраструктур, созданию новых хозяйствующих субъектов, увеличению уровня инновационной активности в этой сфере, а также обеспечению занятости населения. Все это обуславливает необходимость проведения в широком масштабе научных исследований по совершенствованию институциональных механизмов развития сельского хозяйства в целях обеспечения устойчивого развития экономики.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Законе Республики Узбекистан от 1 апреля 2021 года № ЗРУ-680 «О дехканском хозяйстве» (новая редакция), Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», от 26 февраля 2021 года № ПП-5009 «О мерах по реализации в 2021 году задач, определенных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», от 3 февраля 2021 года № УП-6159 «О дальнейшем совершенствовании системы знаний и инноваций, а также оказания современных услуг в сельском хозяйстве», от 17 декабря 2020 года № УП-794 «О мерах по развитию системы цифровизации в агропромышленном комплексе и сельском хозяйстве Республики Узбекистан», постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 октября 2018 года № 841 «О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года», от 4 марта 2021 года № 121 «Об эффективном использовании имеющихся земельных участков и рациональном размещении сельскохозяйственных культур под урожай 2021 года», а также в других нормативно-правовых актах, связанных с этой сферой.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурно-просветительское развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. Научные исследования, направленные на развитие сельского хозяйства, совершенствование его институциональных механизмов, проводятся веду-

³ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 29 декабр 2020 года – <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-29-12-2020>

⁴ При обзоре зарубежных научных исследований по теме диссертации использованы следующие источники: <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/about/what-we-do/>; www.oecd.org/; www.imf.org/; <https://www.piie.com/>; <https://www.brookings.edu/>; www.fao.org > home; <https://www.icarda.org/>; <https://www.fapri.missouri.edu/> <http://www.global-local-forum.com/pages/>; WTO, Unctad https://www.wto.org/_e/coher_e/wto_unctad_e.htm

щими мировыми научными центрами и высшими учебными заведениями, такими, как Stenford University, Princeton University, Harvard University, University of Chicago, Economic Development Institute of the World Bank, Massachusetts Institute of Technology, Texas A&M University (США), Cambridge University, The University of Manchester, Oxford University (Великобритания), World Intellectual Property Organization, Swiss Federal Institute of Technology Zurich (Швейцария), Wageningen University (Нидерланды), Københavns Universitet (Дания), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Munster (Германия), Organisation for Economic Cooperation and Development, Montpellier Business School (Франция), Universidad de Buenos Aires (Аргентина), Korea Development Institute (Южная Корея), Organization for Small and Medium Enterprises and Regional Innovation (Япония), Tailors University (Малайзия), Gazi University (Турция), Asia-Pacific Economic Cooperation (Сингапур), Институт экономической политики, Всероссийский научно-исследовательский институт экономики сельского хозяйства, Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова (Россия), Ташкентский государственный экономический университет, Ташкентский финансовый институт, Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства», Ташкентский государственный аграрный университет (Узбекистан).

В области совершенствования институциональных механизмов развития сельского хозяйства в мире достигнуто много научных результатов, в том числе: обосновано, что институциональные механизмы оказывают большее влияние на рыночные отношения и экономическую реальность (Economic Development Institute, World bank, Harvard University, Peterson Institute for International Economics, University of Chicago – США); обосновано влияние реализации институциональных механизмов на институциональную структуру, трансформацию экономики (University of Maryland – США); обоснована необходимость институтов в повышении эффективности институциональных преобразований, необходимость учета формальных и неформальных институтов (Московский государственный университет – Россия); исследованы вопросы институциональных преобразований, транзакционных издержек, такие проблемы как совершенствование институтов собственности и договоров (Ташкентский государственный экономический университет, Ташкентский финансовый институт – Узбекистан) и т.д.

В настоящее время на мировом уровне, в том числе в Узбекистане проводятся последовательные исследования по совершенствованию институциональных механизмов, в частности по таким направлениям как: совершенствование институциональной среды, разработка концепции ограниченной рациональности через неформальные нормы; исследование роли институтов, формальных и неформальных норм, государственных и частных учреждений в повышении эффективности институциональных преобразований, необходимости организации видов человеческой деятельности, которые приносят

максимальные результаты и использовании их в управлении рисками, разработка концепций для осуществления институциональных преобразований не только в краткосрочной, но и в долгосрочной перспективе.

Степень изученности проблемы. В нашей республике и зарубежных странах проведено много научных и научно-методологических работ по институциональным основам отраслей экономики, в частности по институциональным реформам и проблемам развития сельского хозяйства. В работах зарубежных ученых - Т.Веблена, Р.Коуза, Д.Норта, О.Уильямсона, Й.Шумпетера, Т.Эггертссона⁵ - раскрыты вопросы институциональной теории, ее структурные элементы, в том числе научно обоснованы теоретические и методологические подходы к институту договора, собственности, транзакционным издержкам, институциональной среде, нормам. Научные работы в рамках институциональной теории, опубликованные в последние годы учеными из стран Содружества Независимых Государств - А.А.Аузана, А.Н.Олейника, Р.И.Капелюшниковой, В.М.Полтеровича, В.Л.Тамбовцева, А.Е.Шаститко⁶ и других - определили новые направления институциональных исследований. Результаты институциональных и экономических реформ, проведенных в различных областях в рамках нашей страны, транзакционные издержки, отношения собственности нашли отражение в научно-теоретических и научно-практических работах таких ученых, как Б.Б.Беркинов, Н.С.Хушматов, И.Л.Бутиков, Ш.Дж.Эргашхуджаева, Н.Я.Хамрохуджаев, Д.В.Тростянский, Ш.О.Олимжанова, Д.Таджибаева, О.А. Норбоев⁷ и др.,

